ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ЖИЗЗАХ ШАҲАР
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
JIZZAX SHAHAR
HOKIMI
QARORI

"15" май 2019 йил | 1659-сон | Жиззах шаҳри

Жиззах шаҳрида 2019 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 15-сон 197-модда) 17-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, транспорт воситаларининг 2019 йилги техник кўригини ташкил қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жиззах шаҳар ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича шаҳар комиссиясининг таркиби 1-иловага, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳудудидаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда, ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниng "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Мазкур қарорнинг 4-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларнинг техник кўриги:

биринчи марта - 1 март - 30 июнда;

иккинчи марта - 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 4 февралдан - 31 августга қадар ўтказилсин.

6. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича шаҳар комиссияси (Ф.Алибоев)га:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик

хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги* 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими (А.Муратов) мажбурий техник кўрик якуни тўғрисида шаҳар ҳокимлигига ахборот тақдим этсин.

10. Ушбу қарор "Жиззах овози" газетасида эълон қилинсин ва белгиланган тартибда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 7 мартдаги 565-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари С.Абсатаров зиммасига, ижросини ташкил этиш шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи А.Муратов зиммасига юклатилсин.

13. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **А.Шукуров**

Шаҳар ҳокимининг
2019 йил “15” майдаги
1659-сонли қарорига
1 – ИЛОВА

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича
шаҳар комиссиясининг

ТАРКИБИ

1. Ф.Алибоев	-	Жиззах шаҳар ИИБ ДЙҲХБ бошлиғи, подполковник, комиссия раиси

комиссия аъзолари:

2. М.Усмонов	-	Жиззах шаҳар ИИБ ДЙҲХБ катта инспектори, кичик сержант
3. У.Боймуродов	-	Жиззах шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш давлат назорат бўлими бошлиғи
4. У.Қобилов	-	Жиззах шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари, майор
5. Н.Одилов	-	Автомотохаваскорлар жамияти ўқитувчиси
6. Т.Бакахонов	-	Жиззах вилоят синов ва сертификатлаштириш ҳудудий маркази ходими
7. И.Бокиев	-	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Жиззах ҳудудий бўлими ходими

Шаҳар ҳокимининг
2019 йил “15” майдаги
1659- сонли қарорига
2 – ИЛОВА

Мажбурий техник кўрикни ўтказиш ЖАДВАЛИ

т/р	Корхона, ташкилот номи	Кўрикдан ўтказиш вакти	Ўтказиладиган жойи
1	Вилоят ягона буюртмачи инжиниринг компанияси	1 март	
2	“Камолот” ЁИҲ вилоят Кенгаши	1 март	
3	Вилоят ўрмон хўжалиги	1 март	
4	Жиззах нефт базаси	4 март	
5	Вилоят давлат архив иши бошқармаси	4 март	
6	Жиззах электромагнит мослашув хизмати	5 март	
7	Вилоят архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси	5 март	
8	Давлат мулкини бошқариш бошқармаси	5 март	
9	Жиззах полимер пласт МЧЖ	6 март	
10	Вилоят махсус алоқа тармоғи	6 март	
11	“Жиззах пластекс” МЧЖ	6 март	
12	“Файз коммуналқурилиш” МЧЖ	7 март	
13	Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилоят Кенгаши	7 март	
14	“Хавастлик Бек” КТХФ	9 март	
15	“Сўғдиёна” савдо ишлаб чиқариш фирмаси	9 март	
16	“Бахтиёр - Шахбоз” ишлаб чиқариш фирмаси	11 март	
17	“Муроджон-Зомингаз” МЧЖ	11 март	
18	“Автотранс Элит” КТХФ	12 март	
19	Жиззах маслаҳат аудит ахборот	12 март	
20	Қишлоқ қурилиш банк	13 март	
21	“Асад-Аваз” МЧЖ	13 март	
22	“UNIVERSAL MOBILE SISTEMS” МЧЖ	13 март	
23	“Нуронийлар” жамғармаси	13 март	
24	Ўздаврлойиҳа институти	14 март	
25	Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр ДК	14 март	
26	Ахборотлаштириш маркази	14 март	
27	Вилоят телерадиокомпанияси	14 март	
28	“Жиззах аккумулятор заводи”	15 март	
29	Жиззах иккиламчи қора металл шўъба корхонаси	15 март	
30	Жиззах эҳтиёт қисм сервис	15 март	
31	“Асилбек - Авто” МЧЖ	15 март	
32	Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси	18 март	
33	Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси	18 март	
34	Вилоят хўжалик суди	19 март	
35	Фельдегерлик хизмати	19 март	
36	Вилоят статистика бошқармаси	19 март	
37	Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш маркази	20 март	
38	“Амирлик – Темурбек - Хасанжон” МЧЖ	20 март	
39	Чигирткага қарши кураш ташкилоти	20 март	

40	“Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди	20 март	
41	“Само” хусусий фирмаси	22 март	
42	Жиззахулгуржисавдо МЧЖ	22 март	
43	“Алоқаинвест” Жиззах филиали	22 март	
44	“Алоқачи” ширкати	22 март	
45	Вилоят электр тармоқлари корхонаси	23 март	
46	Магистрал электр тармоқлари	23 март	
47	МК- 13	25 март	
48	Иссиқлик тармоқлари корхонаси	25 март	
49	Дистанция пути ПЧ – 5	26 март	
50	Жиззах темир йўл станцияси	26 март	
51	“Бизнес Администратор” МЧЖ	27 март	
52	Жиззах вилоят ДСЭНМ	27 март	
53	Вилоят соғликни сақлаш бошқармаси	28 март	
54	Жиззах тиббиёт коллежи	29 март	
55	Вилоят ҳокимлиги автохўжалиги	30 март	
56	Дори – дармон ҳиссадорлик жамияти	1 апрель	
57	Жиззах почтаси ҳиссадорлик жамияти	2 апрель	
58	“Узи Жиззах” филиали	2 апрель	
59	“Жиззах телеком” шўъба корхонаси	3 апрель	
60	Жиззах политехника институти	4 апрель	
61	Жиззах алоқа транспорт коллежи	4 апрель	
62	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси	4 апрель	
63	“Жиззах ҳақиқати” таҳририяти	5 апрель	
64	Матбуот тарқатувчи МЧЖ	5 апрель	
65	Вилоят халк таълими бошқармаси	5 апрель	
66	Жиззах давлат педагогика институти	6 апрель	
67	Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши	6 апрель	
68	Вилоят техника ва АСТ маркази	8 апрель	
69	Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилоти вилоят Кенгаши	8 апрель	
70	Жиззах вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси	9 апрель	
71	Вилоят инкассация бошқармаси	10 апрель	
72	Миллий банк	10 апрель	
73	Ипотека банк	10 апрель	
74	Агробанк вилоят бўлими	10 апрель	
75	Халк банки	10 апрель	
76	Вилоят Молия бошқармаси	10 апрель	
77	Асака банки	10 апрель	
78	“СВ Мустақил баҳолаш” МЧЖ	11 апрель	
79	Бизнинг куч МЧЖ	11 апрель	
80	“ Олтин-бошоқгаз ” МЧЖ	11 апрель	
81	“Жиззах нурафшон” МЧЖ	11 апрель	
82	“Бону ширинликлар” МЧЖ	12 апрель	
83	“Жизметангаз” МЧЖ	12 апрель	
84	“Халк Махсус сервис” МЧЖ	12 апрель	
85	“Жиззах фаввораси” МЧЖ	13 апрель	
86	Вилоят прокуратураси	15 апрель	
87	Прокуратура ҳузуридаги СВОЖККБ	15 апрель	
88	“Фориш текстил гроуп” қўшма корхонаси	16 апрель	

89	Вилоят божхона бошқармаси	17 апрель	
90	Ю.Ражабий номидаги драма театри	17 апрель	
91	Вилоят қўғирчоқ театри	18 апрель	
92	Сув назорати инспекцияси	18апрель	
93	Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси	19 апрель	
94	Автомобиль ўқув комбинати	20 апрель	
95	“Сув оқова” корхонаси	22 апрель	
96	“Оқова сув” корхонаси	23апрель	
97	Шаҳар газ корхонаси	23 апрель	
98	Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	24 апрель	
99	Вилоят иссиқлик манбаи	25 апрель	
100	Вилоят адлия бошқармаси	25 апрель	
101	МЦ Восток ш к	26 апрель	
102	Суд департаменти	27 апрель	
103	“Зико” хусусий фирмаси	29 апрель	
104	“Автомотохаваскорлар” жамияти	29 апрель	
105	Комплекс қидирув экспедицияси	29 апрель	
106	Ўсимликларни карантин инспекцияси	29 апрель	
107	Фавқулотда вазиятлар бошқармаси	29апрель	
108	Вилоят механика устахонаси	1 май	
109	Жиззахпахтасаноат ОАБ	1 май	
110	Жиззах парвоз шўъба корхонаси	2 май	
111	Хўжалик ҳисобидаги ХРУ	2 май	
112	7 – сон ККБД (ОДС-7)	3 май	
113	СРМНУ	3 май	
114	Жиззах таъмир ҳиссадорлик жамияти	3 май	
115	Агромашсервисга қарашли ХРСУ	3 май	
116	Сангзор транс МЧЖ	6 май	
117	Жиззах дон маҳсулотлари ИАУ	8 май	
118	Жиззах пластмасса ҳиссадорлик жамияти	10 май	
119	Жиззах саёҳат	10 май	
120	Вилоят ветеринария бошқармаси	10 май	
121	“Омад дубль” хусусий фирмаси	10 май	
122	Жиззах бинокор савдо МЧЖ	11 май	
123	Авангард Плюс МЧЖ	11 май	
124	Асл лойиҳа МЧЖ	13 май	
125	Византия Плюс хусусий корхонаси	14 май	
126	Камол КТХИЧФ	14 май	
127	Зенаткор хусусий корхонаси	14 май	
128	Жиззах КХСИТФДК	15 май	
129	Авангард Люкс хусусий корхонаси	16 май	
130	Дренаж мелиорация таъмир корхонаси	16 май	
131	Кўк бозор ҳиссадорлик жамияти	16 май	
132	Ором синтез МЧЖ	16 май	
133	Меҳрибонлик уйи	17 май	
134	Корона дон фирмаси	17 май	
135	Оққўрғонлик корхонаси	17 май	
136	Бунёдкор СИЧФ	17 май	
137	Ҳақиқат Отабек КТИЧХК	17 май	
138	“Прайз” хусусий фирмаси	18 май	
139	Лотос инвест хусусий корхонаси	18 май	

140	Асилбек Авто МЧЖ	20 май	
141	Агамис фирмаси	20 май	
142	Сайхон МЧЖ	21 май	
143	Жиззах шаҳар Давмахсуспудрат ДУК	21 май	
144	Электромаиший савдо корхонаси	21 май	
145	2517- Авто жамланмаси	22-23 май	
146	Баркамол транс МЧЖ	24-25 май	
147	Техсервис КТХСИЧФ	27 май	
148	Либро ТМЗ МЧЖ	28 май	
149	ЎзАмазонка фирмаси	28 май	
150	Қабристонларга хизмат кўрсатиш корхонаси	29 май	
151	Маслаҳатаудит фирмаси	29 май	
152	Бирлик СИЧФ	29 май	
153	Сардор Мехроз МЧЖ	30 май	
154	Агроаквант КТСИЧК	30 май	
155	Мусаввир корхонаси	30 май	
156	Бунёдкор фирмаси	30 май	
157	Кафолат ДАСК	31 май	
158	Янги технологиялар ИЧБ	31 май	
159	Сарбон жамоа корхонаси	31 май	
160	Уруғчилик назорати бирлашмаси	31 май	
161	Қишлоқ сувлойиҳа бирлашмаси	31 май	
162	Узсельхозмашлизинг	3 июнь	
163	“Қурилиш хизмат” фирмаси	3 июнь	
164	“Қурилиш таъминоти” МПП	3 июнь	
165	“Кўтарма кон ” МЧЖ	4 июнь	
166	Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси	4 июнь	
167	Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси	5 июнь	
168	“Ғаллатранссервис” хусусий корхонаси	6 июнь	
169	Вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи	6 июнь	
170	“Жиззахэкспертиза” шўъба корхонаси	6 июнь	
171	“Самарқанд” ОТСХ	6 июнь	
172	“Диамонд” КТХК	7 июнь	
173	“Жиззахдеклорантсервис” шўъба корхонаси	7 июнь	
174	“Азон” ишлаб чиқариш бирлашмаси	7 июнь	
175	“Исломбек ” КТСИЧФ	7 июнь	
176	“Севинч - А” СИЧФ	7 июнь	
177	“Оби зилол” КТИЧФ	7 июнь	
178	“Жасур ЖР ” ХКТФ	8 июнь	
179	“Ўрта Осиё меъмор” КТХФ	8 июнь	
180	“Мерос” КТХФ	8 июнь	
181	“Сарой марвариди” ХФ	8 июнь	
182	“ДРЕАМ ФЮ” КТХИЧФ	10 июнь	
183	“Проперту ЖДР ” ХФ	10 июнь	
184	“Жиззахистиқлолтекс” ХФ	10 июнь	
185	“Бахмал Диёри ” ХФ	10 июнь	
186	“КАНС – Т” КТСИЧФ	10 июнь	
187	“Зомин асали ” КТХФ	10 июнь	
188	“Жиззахгазсувқурилишсервис ” ХК	10 июнь	
189	“Асл бойлик” МЧЖ	10 июнь	
190	“Навруз С” МЧЖ	10 июнь	

191	“Дилвертранс ” МЧЖ	11 июнь	
192	“Ишонч” кредит уюшмаси	11 июнь	
193	“Қалдирғоч мебель” хусусий корхонаси	11 июнь	
194	“Аждод панох” МЧЖ	11 июнь	
195	“Мелиотезкорсувтаъмир ” МЧЖ	13 июнь	
196	“Вилоят бозорлар уюшмаси”	13 июнь	
197	“Каролина плюс” хусусий корхонаси	13 июнь	
198	Вилоят ахборот кутубхона маркази	13 июнь	
199	“Ўзбекистон сувдан сақлаш” жамияти	13 июнь	
200	“Ариан Селвер” хусусий корхонаси	14 июнь	
201	Вилоят Ғазначилик бошқармаси	14 июнь	
202	“Автотранспорт сервис” МЧЖ	14 июнь	
203	“Бизнес майк прогресс” унитар корхонаси	14 июнь	
204	“Жавохир Само” хусусий фирмаси	14 июнь	
205	“Ўғлонлар” кичик корхонаси	15 июнь	
206	VIP METAN SERVIS ХК	15 июнь	
207	“Олтинбошоқгаз” МЧЖ	15 июнь	
208	“Интернационалтранс” хусусий корхонаси	17 июнь	
209	“Ойл барака файз” корхонаси	17 июнь	